

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси

ВИЛОЯТИМИЗ АҲЛИНИ, ХУСУСАН,
НУРОНИЙ ОТАХОН ВА ОНАХОНЛАРНИ,
УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАҲРИЙЛАРИНИ

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

билан самимий муборакбод этади.

Юртимиздаги бугунги тинч ва
осуда, фаровон ва нурафшон
кунларга чексиз сабот ва матонат
билан эришган нуронийлар
эзгу қадриятлар юксак
қадрланадиган диёрда
ҳамиша эъзоздалар.
Уларнинг ҳаёт йўли барчамизни
тинчликнинг қадрига етишга,
шукроналик билан яшашга
ундайверади.

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!



ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил
этиш вилоят комиссияси томонидан 2010 йил 10 июнь куни соат 19.00 да очик тендер ўтказилади

1. Битта пакет билан:

- ВХ-251 "Бекобод АББ – Тошкент АББ" (Бекобод томондан)
- ВХ-251 й.т. "Бекобод АББ – Тошкент АББ" (Бекобод томондан)
- ВХ-252 "Бекобод АББ – Ангрен АББ" (Бекобод томондан)
- ВХ-254 "Галаба ф/у – Бекобод АББ"
- ВХ-255 "Навоий ф/у – Бекобод АББ – Зафар АЧБ"
- 2. ШИ-1 "Шахматчи қўргони 11-, 12-даҳа – УМК бозори – Шахматчи қўргони"
- 3. ШИ-2 "Фарҳод ГЭС – УМК бозори – УМК ЭСПК"
- 4. ШИ-3 "Темир йўл вокзали – УМК бозори (12-13-даҳа орқали) – Темир йўл вокзали"
- 5. ШИ-8 "УМК бозори (УМК бошқармаси орқали) – УМК бозори" (Айланма)
- 6. ШИ-10 "Темир йўл вокзали – УМК бошқармаси"
- 7. ВХ-279 й.т. "Тинчлик ф/у – С. Раҳимов АШБ"
- 8. ВХ-294 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Сергели даҳаси"
- 9. ВХ-295 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Кескин қишлоғи"
- 10. ВХ-307 й.т. "Ниязбош қишлоғи – Гулбаҳор қўргони"
- 11. ВХ-308 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали – Отахонов ф/у"
- 12. ВХ-588 й.т. "Олмазор қўргони – С. Раҳимов АШБ"
- 13. ШИ-12 й.т. "МБФ бекати – ОТМК томорқа ҳўжалиғи" (Олмалик ш)



Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензия бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2009 йил 27 февралдаги 51-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳўжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ ЎзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2010 йил 5 июнгача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2010 йил 9 июнь куни соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимлигининг кичик мажлис залли. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.



«КЎРГАЗМАЛИ» КУРАШ

Ўтган йилнинг ёзда журналистлар даврасида янги хабар тарқалди: Тожикистонда ҳукумат раҳбарларига қарши "плакат кураши" олиб бораётган янги ташкилот пайдо бўлибди. Тушунарлики, мадҳохларча мақтовларга ўралашиб қолган оммавий ахборот воситалари мамлакатнинг сиёсий саҳнасида пайдо бўлган бу янгилик ҳақида лом-мим демади. Ахир Тожикистоннинг сиёсий саҳнасидаги сценарийчи ҳам, режиссёр ҳам, асосий артист-иқрочи ҳам Имомали Раҳмоннинг ўзи-а.

Айтиш мумкинки, Имомали Раҳмоннинг йўл ёқалари ва бошқа жойлардаги портретларини номаълум кишилар чизиб, бузиб кетаётгани "жаноби олийлари"нинг ҳам қўлоғига етиб борган бўлса ажаб эмас. Бироқ ўзига нисбатан умумхалқ муҳаббатига қаттиқ ишонадиган Имомали Раҳмон бир муддат олдинроқ ўзининг портретларидаги "бегона"ларни – вилоят, шаҳар ва туман бошлиқларини олиб ташлашни буюрган эди. Унинг фикрича, айнан шу бўғинлар бошлиқлари "тожиклар дунёси доҳийси"нинг нуфузига путур етказишлари ва мамлакат фуқароларида норозилик уйғотишлари мумкин.

Лекин бундай эмас экан. Анвар Ашуров таҳаллуси билан матбуотда чиқиб турувчи тожик журналистининг қўтилмаган мақоласи олқишу мақтовлардан иборат шоу-пойгани тўзатиб юборди. Дадил қаламқаш ўша мақоласида қандайдир расом аjoyиб плакат чизиб, "Имомали, бас энди! Йиллаб единг, кет энди!" деган хитоб сўзларини йирик ҳарфларда битиб қўйганини ўз кўзи билан кўрганини таъкидлади.

Имомали Раҳмон ўрнатган тартибга қарши бундай давлати плакатлар ҳамда мамлакатнинг турли бурчақларида президент портретларида антираҳмонча кайфиятдаги ёзувлар пайдо бўлаётганини яқна шахс ёки қандайдир бир ташкилотнинг иши дейиш тўғриси бўлмади керак. Негаки, айрим ўхшашликлар кейинги пайтда пойтахт ва бошқа шаҳарларнинг деворларида ёмғирдан сўнгги кўзқориндек кўпайиб бораётган бундай ёзувлар қандайдир алоҳида шахсларнинг орзу-истаклари эмаслигини кўрсатмоқда.

Янги 2010 йил арафасида яна бир журналист қайсидир деворда "Роғун – ҳа! Раҳмон – йўқ!" ёзуви пайдо бўлганини маълум қилди.

Январда эса, одамлар турли жойларда, турли катталарда ва турлича ҳарфларда ёзилган "БАС!" хитобларини ўқийди. Шундай экан, мамлакатда "кўргазмали" кураш бошланаётганини аңлаш қийин эмас. Шунингдек, мамлакатдаги ҳўкмон тартибга қаршиларини ҳам тушуниш мумкин – ҳукумат "ўзгача фикрлайдиганлар"га бошқа имконият қолдирмади. Агар яқинда бўладиган сайловлар ҳисобга олинса, "кўргазмали" курашнинг янада қучайиши эҳтимолдан холи эмас.

Дарвоқе, бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарур. Тожикистондаги сиёсий курашларга оид бундай хабарлар маҳаллий эмас, балки чет эл оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлди.

Умуман олганда, ҳозир мамлакатнинг барча оммавий ахборот воситалари президентнинг Роғун ГЭСи қурилиши учун маблаг йиғиш йўлидаги уринишларига қўмақлашиш билан овоза. Бинобарин, уларнинг "ўзгача ўйлайдиган фуқаролар"нинг мамлакатдаги Имомали Раҳмон тартибига қарши янгида кураш воситалари ҳақида яқин орада халққа бирор гап айтишлари амримаҳол.

ORIENTNEWS.

ЭНГ КАТТА ЭКОЛОГИК ФАЛОКАТ

Маълумки, 20 апрель куни АҚШнинг Dupwafer Horizon платформасида портлаш юз бериб, ёнғин чиққан эди. Оқибатда катта миқдордаги нефть Мексика кўрфазига бўйлаб ёйилишда давом этмоқда.

"Кора олтин" доғи кўрфазининг 250 квадрат километрли сув сатҳини қоплаган. Луизиана соҳилларини бутунлай эгаллаб олган нефть доғи қуруқлик сари аста-секин ёйилиб бормоқда. Тегишли хизмат тизимининг энг замонавий техника воситаларига эга маҳсулоти экологик таълафотнинг олдини олишга ҳар қанча уринмасин, қўлидан ҳеч нарса келмаяпти. Портлаш пайтида уч жойи-

дан тешилган қувурдан оқаётган нефтни тўхтатишнинг иложи бўлмапти. Шунингдек, сув сатҳидаги нефтни йиғиб олишга уринишлар ҳам ҳеч қандай натижа бермаяпти.

АҚШ миллий гвардиясининг 6 минг аъзоси сафарбар этилганига қарамай, вазият тобора оғирлашапти. Қолаверса, кўрфаздаги ноқулай об-ҳаво шароити ҳам ишга тўғноқ бўлаяпти.

СОЛИҚ ОШИШИ ТУФАЙЛИ

Умумжаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, афтидан, қўлгина мамлакатларга "ўзгача"га аўрустига путур етказган қўриқди. Акс ҳолда Греция ҳукумати маош ва пенсияни қайтариб, солиқларни оширмади.

ИТАР-ТАСС тарқатган хабарларга қараганда, Греция ҳукумати мамлакат иқтисодий инқироздан сақлаб қолишга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқиб, амалга оширишга киришмоқда. Дастурга мувофиқ, мамлакатда солиқлар миқдори яна оширилди. Иш ҳақи ва пенсиялар эса, аксинча, қисқартирилди. Бунинг устига энди фуқаролар ўртача 67 ёшга бериб пенсияга чиқишлари керак бўлади.

Албатта, иқтисодий инқирознинг оғир юқини оддий халқ зиммасига юклаш яхшилик олиб бормади. Грецияда айнан шундай бўлди. Ҳукуматнинг янги дастури аҳолида кескин норозилик уйғотди. Бутун мамлакатда, айниқса, давлат хизмати ходимлари орасида норозилик кайфияти кучайди. Касаба уюшмалари вазиятни тўғри баҳолаб, икки кунлик норозилик намойишлари уюштирди. Самолёт, поезд, кема, йўловчи транспорти ҳаракати тўхтади, дўхонлар ишламай қўйди. Энди тиббиёт ходимлари ҳам намойишга қўшилишди.

"Ту-154 М" самолёти шу йил январда Эроннинг Машҳаа аэропортига қўниш пайтида нима сабаблардан ёниб кетиб, 40 киши жабрланган эди.

САМОЛЁТМИ ЁКИ УЧУВЧИ?

Бундан биров олдинроқ яна битта "Ту" Эрондан Арманистонга парвоз пайтида ёниб кетиб, 168 киши ҳаётдан бевақф қўз юмганди. Эрон транспорт вазирлиги бундай ҳалокатлар сабабини самолётларнинг русуми ва учувчилар таркибидан излаш лозим деган ҳулосага келган қўриқди. Ҳар ҳолда транспорт вазирлиги Хомил Бехбасоний оммавий ахборот воситаларига тез орада хорижлик учувчиларга рухсат бериб, улар ўрнига маҳаллий учувчилар жалб этилишини маълум қилди.

"Интерфакс" агентлигининг мамлакат транспорт вазирлиги сўзларига таяниб маълум қилишича, авиакомпаниялар "Ту-154" самолётларидан ҳам аста-секин воз кечиб, бошқа русумдаги замонавий самолётлардан фойдаланишга ўтди. Россия оммавий ахборот воситалари ҳозир Эронда ўнга ақин "Ту-154" самолёти борлигини таъкидламоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

СП "UZTURK TRANS LTD" (ИНН 204717696, ОКОНХ 51121) объявляет о снижении уставного фонда с 189.110,93 долларов США до 160.256,58 долларов США.

Утерянную кассовую книгу рег. № 5229 и кассовый аппарат № 1020853 "Меркурий 115 Ф", зарегистрированный в ГНИ Утепинского района г. Ташкента по адресу: ул. Лобар боки 2-катор 17-Б на имя Султанмуратова Ботыра Тухтамуратовича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙТЕЛЬНЫМИ.

Ташкент ахборот технологиялари университети томонидан 2005 йилда Шатурсунов Шохобиддин Садриддинович номига берилган В № 223940 (рўйхатга олиш рақами 3887) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный план на квартиру, расположенный по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Джахан Обидова, дом 33-А, кв. 60, выданный Юнусабадским БТИ на имя Шариповой Лолы Анваровны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙТЕЛЬНЫМИ.

